

# Тазкия дарслари (56-дарс). Ўлик тирилди деса, ишонгин-у, аммо мўғуллар энгилибди деса, ишонма!



19:30 / 26.10.2019 5645

Ҳижрий еттинчи асрда мўғул лашкарлари бутун дунёни забт этиш учун ўзларининг машҳур юришларини бошладилар. Мўғулларга қаршилик кўрсатганлар асосан мусулмонлар эди. Аммо душман уларни устара сочи қандай қирган бўлса, қиличдан шундай ўтказган эди. Мусулмон оламининг машҳур илм ва маърифат марказлари бўлган шаҳарлар мўғуллар томонидан вайрон қилинган эди.

Ислом олами мўғуллар босқини остида қолди. Улар ҳарбий маънода Ислом оламини тамомила энгиб, тиз чўктирди. Ислом оламида: «Ўлик тирилди деса, ишонгин-у, аммо мўғуллар энгилибди деса, ишонма», деган нақл тарқалган эди.

Ўша пайтда мўғуллар дунёдаги энгилмас куч бўлиб шуҳрат қозонганидан, масиҳийлар ҳам, буддачилар ҳам уларни ўзларига қаратиш йўлида қўлларидан келган барча имконларини ишга солишар эди. Буддачилар ирқ, табиат ва муҳит жиҳатидан мўғулларга жуда яқин эдилар. Масиҳийлар эса мўғуллар билан тўқнашмаган, ҳатто яхши алоқаларда эди.

Аммо бу икки тоифа ҳам ўз ниятларига ета олишмади. Уларнинг ҳеч бири мўғулларни ўз динига кирита олишмади.

Бу борада ҳеч ким кутмаган ва инсоният тарихида ҳеч содир бўлмаган нарса содир бўлди. Бу мўъжизанинг асосий сабабчиси Ислом эди. Дунёга ўзининг қўполлиги, бешафқатлиги ва жангарилиги билан донг таратган мўғуллар ўзларидан мағлуб бўлган одамларнинг динига, Исломга оммавий равишда кира бошладилар.

Мазкур мўъжизанинг содир бўлишида мусулмон уламолар, хусусан, мутасаввифлар Аллоҳ таолонинг инояти ила бош омил бўлган эдилар.

Ғарблик машҳур олим Томас Орланд ўзининг «Исломга даъват» номли китобида ажойиб бир қиссани келтиради:

«Мўғул султони Тўғлуқ Темурхон ўз одамлари билан сафарга чиққан эди. У ов қилиш ниятида ўзининг қўриқ ерларида борарди. Бирдан Бухородан келган шайх Жамолуддин бошлиқ кишиларнинг ўз ерларида юрганларини кўриб қолди. Улар билмасдан бу ерларга келиб қолишган эди. Султон одам юбориб, уларни ушлатиб, оёқ-қўлини боғлатиб олдириб келди. Асирлар унинг ҳузурига келтирилганда:

«Менинг қўриқхонамга рухсатсиз қандоқ кирдинглар?!» деб аччиқ билан бақирди.

«Биз ғариблармиз. Ман қилинган ерда юрганимизни билмабмиз», деди шайх босиқлик билан.

«Ит ҳам сизлардан кўра яхшироқ!» дея бақирди султон.

«Султон тўғри айтадилар. Агар Аллоҳ таоло бизни ҳақ дин ила икром қилмаганида, итдан ҳам баттар бўлар эдик», деди шайх хотиржам оҳангда.

Ҳукмдор ҳайрат назари билан қаради-да, овида давом этди. Аммо охири гап фикрини чулғаб олган эди. Овдан кейин асирларни яна бир бор ўз ҳузурига келтиришни амр қилди. Овдан қайтгандан кейин шайх билан ўзи ёлғиз қолди ва:

«Менга айтган гапингизни шарҳлаб беринг. Ҳақ дин деганингиз нима ўзи?» деди.

Шайх Исломни шарҳ қилиб берган эди, султоннинг қалби эриб кетди. Куфрни васф қилган эди, султон ундан қўрқиб кетди. У ўзининг залолат ва хатарда эканини англаб етди. Аммо султон ҳозир ўзи Исломни қабул қилса, қавми уни қабул қила олмаслигини айтди. Шунинг учун у шайхдан қачон

Ўзи бирийўла подшоҳ бўлганида ҳузурига келишини илтимос қилди.

Ўша вақтда Чиғатой давлати бир неча амирликларга бўлиниб кетган эди. Тўғлуқ Темурхон уларни бирлаштириб, кучли марказлашган давлат қуришга муяссар бўлди.

Шайх Жалолуддин юртига қайтиб, бемор бўлиб қолди. Умри охирлаб қолганда, ўғли Рашидуддинни ўз ҳузурига чорлаб: «Тўғлуқ Темур келажакда катта амир бўлади. Ўша хабарни эшитганингда, унинг олдига бориб, мендан унга салом айт ва менга берган ваъдасини эслат», деди.

Шундай ҳам бўлди. Тўғлуқ Темурхонга «подшоҳ» деб байъат қилинди ва отасининг тахтига ўтирди. Шайх Рашидуддин отасининг васиятини амалга ошириш учун аскаргоҳга кирди. Лекин подшоҳга яқин бора олмади. Аммо у ўзини билдириш йўлини топди. Бир куни саҳар чоғида султоннинг чодирига яқин жойда баланд овозда азон айта бошлади. Подшоҳ чўчиб уйғонди, ғазаб отига миниб, шайхни тутиб келтиришни амр қилди.

Шайх ҳозир бўлди. Подшоҳга отасининг саломини етказди. Тўғлуқ Темурхон уни эсдан чиқармаган эди. У шаҳодат келтириб, Исломга кирди. Сўнгра Аллоҳ таолонинг динини ўз қавми ичида тарқатди. Чиғатой авлодлари нуфузи остида Ислом бирпасда барча диёрларга тарқалди».

Шундай қилиб, дунё тарихида биринчи марта ғолиб халқ ўзи мағлуб этган халқнинг динига кирди.

Тасаввуфнинг бунга ўхшаш хизматлари жуда ҳам кўп. Ҳозирда ҳам Ислом ва унинг руҳий тарбия қисми бўлган тасаввуф улкан хизматлар қилиши турган гап. Фақат биз ўзимиз бу нарсани тўғри йўлга қўйишимиз лозим.

**«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан**